МУСИҚА САНЪАТИДА КОМПОЗИТОРЛИК ИЖОДИЁТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

Қўчқарова Нигора Турғунали қизи
Мусиқашунос
https://doi.org/10.5281/zenodo.22912736

Аннотация: Композиторлик ижодининг пайдо бўлиши, Ғарбий Европа давлатларида диний ва дунёвий мусиқанинг аҳамияти, композиторлик тушунчасининг шаклланиши, Ғарбий Европа композиторлари ва даврларга бўлиниши, рус мусиқа маданиятида композитор атамасининг пайдо бўлиши, илк рус композиторлари, даврларга бўлиниши, Ўрта Осийда бастакор ва композитор тушунчаларининг пайдо бўшлиши ва композиторлик фаолиятининг шаклланиши тўғрисида.

Калит сўзлар: композитор, композиция, диний мусиқа, дунёвий мусиқа, бастакор, монодия, опера, оркестр, кўп овозлик, хор, чолғу асар.

Аннотация: Возникновение композиторского творчества, значение духовной и светской музыки в странах Западной Европы, формирование понятия «композитор», западноевропейские композиторы и их периодизация, появление термина «композитор» в русской музыкальной культуре, первые русские композиторы и их периодизация, возникновение понятий «бастакор» и «композитор» в Средней Азии, а также становление композиторской деятельности.

Ключевые слова: композитор, композиция, духовная музыка, светская музыка, бастакор, монодия, опера, оркестр, многоголосие, хор, инструментальное произведение.

Abstract: The emergence of compositional creativity, the significance of sacred and secular music in Western European countries, the formation of the concept of "composer," Western European composers and their periodization, the emergence of the term "composer" in Russian musical culture, the first Russian composers and their periodization, the emergence of the concepts of "bastakor" and "composer" in Central Asia, as well as the development of compositional activity.

Keywords: composer, composition, sacred music, secular music, bastakor, monody, opera, orchestra, polyphony, choir, instrumental work.

Композитор – (лот.compositor – тузувчи, ижод этувчи) – кўп овозли мусиқа асарлари муаллифи, мусиқа ижодкори. Ушбу атама XVI асрга келиб Италияда кенг тарқалган. Композитор касби ижодкордан мусиқий қобилият билан бирга махсус (композиция фани соҳасидаги) пухта билимни ҳам талаб этади. Композиторни тарбиялаш ва тайёрлашда мусиқий таълимнинг тизимлилигига катта эътибор берилади. Баъзан композитор ижрочи сифатида ҳам кўзга ташланган. Илк бор асарлар муаллиф номисиз ёзилар эди, фақатгина XIV асрга келиб композитор атамаси шаклланиб борди. Муаллифнинг бадиий индивидуал ғоясининг кенгайиши композиция атамасининг аҳамияти ортиб боришига сабаб бўлди.

© Ushbu material Creative Commons Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) litsenziyasi asosida tarqatiladi.

XVI asr Италияда йирик жанрлардан бири яъни, опера жанри пайдо бўлади. К.Монтиверди кейинчалик XVII асрда неополитан мактаби вакилларидан бири А.Скарлатти томонидан яратилган опера жанри мусиқа маданиятини янги босқичга олиб чиқди. Юқорида келтирилганидек, айнан шу даврларга келиб композитор атамаси пайдо бўлган. Бу даврда чолғу ва вокал мусиқасининг аҳамияти ортиб боради, бунда Дж.Габриели, Дж.Фрескобалъди ва бошқа композиторларнинг ўрни аҳамиятлидир. Уларнинг кўп овозли хор, вокал-чолғу ва полифоник асарлари кейинги авлод композиторлари учун наъмуна бўлиб қолди.

Кейинчалик XIX аср охири Германия мусиқа ҳаётида профессионал композиторлик ижодиётининг И.С.Бах ва Ф.Гендел каби композиторлар барокко даври мусиқа маданиятини давом эттирди. Улар бир қатор компрзиторлардан Ф.В.Цахау, Ф.Куперен, И.Пахелбел, Д.Букстехуде ва бошқа композиторлар ижодини ўрганиб кўплаб асарлар яратишди. Мана шу даврга келиб полифоник тафаккур махсули бўлган кўп овозли хор ва полифоник асарлар етук даражага кўтарилди. Полифоник тафаккурнинг аҳамияти ортиб бориши айниқса, И.С.Бах ижодида етакчи ўринда бўлиб, у кўплаб шогирдларни тарбиялаган устоз сифатида намоён бўлди. У клавессин чолғусини ижро этиш устози сифатида таърифланиб, И.С.Бах Бахлар сулоласининг етакчи намоёндасига айланди, ундан сўнг унинг ўғиллари янги гомофоно-гармоник услуб соҳасида изландилар. Улар эришган ютуқлари эса, барокко даври мувафаққиятлари билан қўшиб олган ҳолда вена классикларини янги чўққига олиб чиқади.

Вена классик мактабининг намоёндалари Й.Гайдн, А.Моцарт ва Л. Бетховен мусиқа маданиятида ўчмас из қолдиришди. Профессионал композиторлик ижодиётида ушбу даврга келиб мусиқада монументал қонуниятлар яратилди. Бу айниқса соната, сонат-симфоник ва симфония жанрларида кўзга кўринади. Шу билан бирга А.Моцарт яратган опералари опера жанридаги ислохатларга сабаб бўлди. Аммо, романтизм даврида ушбу қонуниятларга кўплаб ўзгартиришлар киритилди.

Романтизм даври композиторлари ўрта аср грек ва рим фантастик, сирли-ўйчан ва орзуларга бой ҳаёдий мавзуларга қизиқиш билдиришган: К.Вебер, Ф.Шуберт, Р.Шуман биринчи гуруҳ композиторлари бўлиб, Г.Берлиоз, Ф.Лист, Р.Вагнер неоромантиклар, яъни романтикларнинг давомчилари ҳисобланишган. Г.Берлиоз эса илк романтикларнинг давомчисидир. Ушбу композиторларнинг давомчилари сифатида С Франк ва К.Сен-Санс, К.Дебюсси, М.Равеллар ҳисобланади.

Россияда ҳам диний ва дунёвий мусиқанинг шаклланиб бориши натижасида композитор, яъни мусиқа яратувчи ижодкор пайдо бўлди. Бунда диний мусиқанинг шаклланиши ўта аҳамиятли бўлиб, христиан динининг шаклланиши билан боғлиқдир. Черков мусиқаси санъати халқ ижодиёти билан боғланган эди, улар бир-бирига катта таъсир ўтказган, яъни илк ижрочилик халқ ичидан чиқган махоратли ижрочилар саналиб, диний қўшиқлардан парчалар киргизиб ижро этишган, черков мусиқасида ҳам халқ куйларидан баъзилари қўшиб куйланган. XVII аср охирига келиб профессионал кўп овозли мусиқа яратиш шаклланди ва В.Титов биринчи рус композитори деб танилди. Биринчи рус композиторлари сифатида М.Березовский, Д.Бортянский, В.Пашкевич, Е.И.Фомин, И.Хандошкин деб тан олинди. XIX асрга келиб рус мусиқа маданиятида композиторлик мактаби шаклланди бунда М.И.Глинканинг ўрни аҳамиятлидир. М.И.Глинка Европа жанрларини ўрганиб ушбу жанрларда рус мусиқасини яратган ва бутун дунёга танитган.Ундан кейинги рус композиторлари А.С.Даргомыжский, М.А.Балакерев, А.П.Бородин, М.П.Мусоргский, П.И.Чайковский, Н.А.Римский-Корсаков ва уларнинг давомчилари рус мусиқа

© Ushbu material Creative Commons Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) litsenziyasi asosida tarqatiladi.

маданиятида ўчмас из қолдиришган. Ундан сўнг А.Глазунов, С.Танеев, А.Лядов, А.Аренский, С.Рахманинов, И.Стравинский, Д.Шостакович, С.Прокофъев ва бошқа композиторлар рус мусиқа маданиятини давом эттиришди.

Ўзбекистонда композитор тушунчасининг пайдо бўлиши бир овозли монодик тизимга асосланган бўлиб, халқ мусиқаси унинг бирдан-бир мусиқий йўналиши бўлиб ҳисобланган ва устоз-шогирд анъанаси бўйича оғиздан-оғизга ўтиб келган. Бундай мусиқий куйлар бастакор томонидан ёзиб олинган.

Бастакор (форс.-боғлаш, боғлов, машғулот, иш) – анъанавий, мумтоз мусиқа асарлари муаллифи. Мусулмон Шарқида мусанниф, муллаҳҳин, оҳангсоз каби атамалар билан танилган. Одатда бундай санъаткорлар ўз фаолиятида ижрочилик ва ижрочиликни узвий боғлашган. Абу Наср Фаробийдан бошлаб Давишали Чангий ва бошыа бастаыорларнинг мусиыий рисолалари, Абдулфараж Исфахоний, Арузий Самарыандий, Алишер Навоий, Даваташох Самарқандий, Зайниддие Восифий, Захириддин Мухаммад Бобур ваюошқаларнинг асарларида бастакорлик ҳақида маълумотлар мавжуд. Кейинчалик бастакор сифатида Т.Жалилов, Ю.Ражабий, Ф.Содиқов, Н.Хасанов, И.Икромов, К.Жабборов, С.Калонов ва бошқалар танилган.

Композиторлик санъати эса Ўзбекистонда XIX асрнинг оҳирларида пайдо бўлган. Кейинги асрларнинг 20-30-йилларидан бошлаб В.Успенский, А.Козловский, Г.Мушел ва бошқалар композиторлик ижодиёти жадал ривожланиб боришига ўз хиссасини қўшишди. М. Ашрафий, Т.Содиқов, М.Левиев, М.Бурхонов ва С.Юдаков Ўзбекистонда композиторлик ижодига янги даврни олиб кирди. Улар илк бор ўзбек мусиқали драмаси, мусиқали комедияси, ўзбек симфоник мусиқасини яратган ўзбек композиторлари бўлиб ҳисобланади. орадан ўттиз йил ўтиб И.Акбаров, С.Бобоев, Б.Гиенко, Ҳ.Раҳимов, С.Жалил сингари композиторларнинг янги авлоди етишиб чиқди ва улар ўз асарлари билан дунёга танилди. Ушбу қаилам композиторлари жахон мусиқасининг барча жанрларида ижод этиб, ҳар бир жанрларга ўзбекона миллий рухни, оҳангларни киритиб миллийликни ҳар бир асарларида ифода эта бошладилар. Кейинги босқичда Н.Зокиров, Д.Сайидаминова, Р.Абдуллаев, М.Бафоев, М.Тожиевлар ижод этишди, кейинги босқичда А.Мансуров, Д.Омонуллаева, Х.Хасанова, А.Эргашев, Н.Ғиёсов, О.Абдуллаева ва бошқа композиторлар ўзбек композиторлик санъатини ривожлантириб келишмоқда.

Асрлар давомида композиторлик санъати турли йўналиш оқимлар, тарихий жараёнлар, турли инқирозларга қарамай даврдан - даврга ўтиб мусиқа санътининг ажралмас бўлаги сифатидан намоён бўлади. Композиторлик санъати дунё ва Ўзбек мусиқаси асарларида сайқалланиб, ривож топиб келмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1.Музыкальная энциклопедия, IV том, М., 1973-1974
2. Келдыш Ю. История Русской музыки. М., 1963
3.Ливанова Т. История Заподно-Европейской музыки. I-II том, М., 1983-1986
4.Хубов Г. Иоган Себастъян Бах. Монография. М., 1963
5.Шуман Р. О музыке и музыкантах. I-II том, М., 1975-1978
6.Янов-Яновская Н. Узбекская симфоническая музыка. Т., 197

© Ushbu material Creative Commons Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) litsenziyasi asosida tarqatiladi.